



# ТЕМИРҲО‘ЛЧИ

Temir yo'llar mamlakatimiz iqtisodiyotining qon tomiridir.

Gazeta 1933-yildan chiqa boshlagan



О‘ЗБЕКИСТОН ТЕМИРҲО‘ЛЧИЛАРИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2026-yil • 4-iyun • payshanba • № 21 (6601)

## “ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ” АЖ БОШҚАРУВИ РАИСИ ЗУФАР ГИЯСОВИЧ НАРЗУЛЛАЕВНИНГ ЖАМИЯТ ХОДИМЛАРИГА МУРОЖААТИ

Хурматли ҳамкасблар!

Бугунги кунда мамлакатимизда коррупция иллатига қарши курашиш шунчаки расмиётчилик эмас, балки давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айланди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек: “Коррупция – бу маънавийтимизга, келажакимизга ва тараққиётимизга раҳна солувчи энг хавфли иллатдир. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак”.

Шу боис, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти тизимида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, ҳар бир жараёни рақамлаштириш орқали инсон омилини камайтириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ қанчалик мукамал қонунлар ёки назорат тизимлари яратилмасин, агар ҳар бир ходимнинг онги ва қалбига “ҳалоллик вакцинаси” бўлмас экан, кутилган натижага эришиб бўлмайди.

Шу муносабат билан, республикаимизда коррупцияга қарши курашиш бўйича 2026 йилда “фавқулдод ҳолат” эълон қилинганлигини ёдга солган ҳолда ҳар бирингизни қуйидагиларга қатъий риоя қилишга чақираман:

Ўз фаолиятингизда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Жамиятнинг ички идоравий ҳужжатлари талабларини сўзсиз бажаринг.

Коррупциянинг ҳар қандай кўринишига, у кичик бўлгани ҳам, катта бўлгани ҳам муносабатда бўлинг.

Ҳалолликни нафақат хизмат вазифаси, балки виждон амри ва инсоний бурч деб билинг. Унутманг, ҳалол меҳнат – нафақат жамоат орасида ҳурмат, балки хонадонингизга барака ва хотиржамлик олиб келади.

Хизмат вазифаларини бажариш жараёнида коррупциявий ҳуқуқбузарликлар, манфаатлар тўқнашуви ёки бошқа ноқонуний таъсир кўрсатиш ҳолатлари аниқланган тақдирда, бу ҳақда белгиланган тартибда Жамият раҳбариятига ёхуд коррупция ҳақида хабар бериш учун ташкил этилган алоқа каналлари орқали дарҳол маълум қилишингиз сўралади.

Ишонч телефони: +998 (71) 237-99-98

Telegram-бот манзили: @uzrailway\_antikor\_bot

Расмий веб-сайтдаги алоқа канали: [https://railway.uz/uz/gazh/against\\_corruption](https://railway.uz/uz/gazh/against_corruption)

Келинг, темир йўл соҳасида коррупцияга нисбатан муносабатингизни таъминлаш, тизим фаолиятининг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш ҳамда уни замонавий бошқарув тамойиллари асосида ривожлантириш йўлида биргаликда масъулият билан ҳаракат қилайлик. Ҳар бир ходимнинг ҳалоллиги, қонунларга содиқлиги ва фидокорона меҳнати Жамиятнинг барқарор ривожланиши ҳамда келгуси ютуқларининг мустаҳкам пойдевори ҳисобланади.

### КАДРЛАР ИСЛОҲОТИ

## КОРХОНАЛАРДА ИЧКИ МЕҲНАТ ТАРТИБ-ҚОИДАЛАРИ – ИНТИЗОМ ВА САМАРАДОРЛИК ГАРОВИДИР

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислохотлар жараёнида ишлаб чиқариш жараёнида самарали ташкил этиш, ишчи-ҳодимларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу жиҳатдан, корхона ва ташкилотларда ички меҳнат тартиб-қоидалари меҳнат интизоми ва меҳнат муносабатларини тартибга солишда асосий ҳуқуқий ҳужжат сифатида хизмат қилади. Жумладан, республикаимизнинг иқтисодий қон томири бўлиши “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти тизими ва тармоқларида ҳам ички меҳнат қоидалари тартиб, интизомни мустаҳкамлаш учун энг асосий юридик ҳужжатлардан бири ҳисобланади.

### ИЧКИ МЕҲНАТ ТАРТИБ-ҚОИДАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Ички меҳнат тартиб-қоидалари, аввало, иш бевуви ва ходим ўртасида меҳнат интизоми таъминлайдиган “йўл харитаси”дир. Унда ходимнинг меҳнат вазифалари, иш вақти ва дам олиш тартиби, иш бевувининг мажбуриятлари, меҳнат муҳофазаси ҳамда хавфсизлик қоидалари ёрқин акс этади.

Давоми 2-бетда

## МИСКИН – НУКУС – ҚҮНҒИРОТ ЙЎНАЛИШИДА ПОЕЗДЛАР ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ ЎРГАНИЛДИ

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАСИ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИНИНГ МУҲИМ ВА АЖРАЛМАС БЎЛАГИ САНАЛАДИ. ЧУНОНЧИ, БУНГА АМАЛ ҚИЛМАЙ ТУРИБ ТИЗИМДА ЙЎЛОВЧИ ВА ЮКЛАРНИ ЎЗ МАНЗИЛИГА ХАВФСИЗ ТАШИШНИНГ ИМКОНИ ЙЎҚ, “ҚҮНҒИРОТ МИНТАҚАВИЙ ТЕМИР ЙЎЛ УЗЕЛИ” ФИЛИАЛИ ХАМДА ТЕМИР ЙЎЛ КОРХОНАЛАРИ ХАМКОРЛИГИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ШИМОЛИЙ ҲУДУДИДАГИ ПОЕЗДЛАРНИНГ ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА.



“Қўнғирот минтақавий темир йўл узели” филиали ҳамда темир йўл корхоналари ҳамкорлигида амалга оширилаётган чора-тадбирларда мамлакатимизнинг шимолӣ ҳудудида ҳаракатланаётган поездлар “Қўнғирот минтақавий темир йўл узели” филиали бошлиғи Т.Алпамбергенов, узел раҳбарияти ҳамда тегишли филиал

акциядорлик жамияти бошқаруви раиси С.Норқабилоннинг 2025 йил 18 мартдаги 232-ЖДС-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 2 июнь кунда ҳаракатланаётган поездлар “Қўнғирот минтақавий темир йўл узели” филиали бошлиғи Т.Алпамбергенов, узел раҳбарияти ҳамда тегишли филиал



раҳбарлари томонидан “Нукус – Мискин” темир йўл участкасида ҳаракат хавфсизлигини таъминлашни ўрганиш ишлари олиб борилди.

Мазкур кузатув ишларида участкадаги темир йўл излари созилиги, электр қурилмаларининг ишончли ҳолатда сақланиши, локомотив ва вагонлар техник ҳолати, электр таъминоти, сигналлаштириш ва алоқа тизимларининг ишлаш самарадорлиги, “Мискин – Нукус”

участкасидаги электрлаштириш ишлари, қурилиш ва таъмирлаш жараёнлари кўздан кечирилди.

Ўтган ҳафта эса узел бошлиғининг ўринбосари Н.Джабарбергенов 54-сонли Қўнғирот – Тошкент йўловчи поездининг буйича UzTE16M2-026 тепловоз машинисти кабинасида кузатув олиб борди.

Кузатув давомида поездлар ҳаракати хавфсизлиги

таъминланиши, иншоот ва қурилмалар аҳоли, станцияларнинг ташқи кўриниши кўздан кечирилди.

Аниқланган айрим камчиликларни бартараф этиш бўйича жойида чора-тадбирлар белгиланди ва масъулларга тегишли кўрсатмалар берилди.

Участка йўлларида ҳаракат хавфсизлигига риоя этган ҳолда ишларни ташкил қилиш ва инфратузилма ҳолатини яхшилашга қаратилган топшириқлар ижросини таъминлаш юзасидан тушунтиришлар бериб ўтилди.

Равон йўлларимиз бўйлаб ҳаракатланаётган кўркам вагонлар бизнинг фахр-ифтихоримиздир. Буни нафақат юрдошларимиз, балки Ўзбекистонимизга меҳмон бўлиб келаётган хорижлик сайёҳлар ҳам бот-бот тақдорлапти. Шундай экан, темир йўлларда юк ва йўловчи ташувчи поездларнинг бенуқсон ҳаракатланиши учун барчамиз огоҳ муносабатда бўлмоғимиз даркор.

Рустам ҲАЙДАРОВ

### УЧРАШУВ

## ТАДБИРКОРЛАРНИНГ МУРОЖААТИ, МУАММО ВА ТАКЛИФЛАРИ ТИЗИМЛИ РАВИШДА ЎРГАНИЛИБ, ЖОЙИДА ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

Жорий йилнинг 1 июнь кун “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг 136-УН-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида “Тошкент минтақавий темир йўл узели” филиали раҳбарияти томонидан “Ҳамза” станциясида тадбиркорлар билан учрашув ўтказилди.



Унда Тошкент шаҳрининг Яшнобод, Миробод, Яккасарой туманларида фаолият юритувчи тадбиркорлар ва йирик ишлаб чиқарувчи корхоналар вакиллари қатнашиб, филиал раҳбарияти билан юзма-юз мулоқотда бўлдilar.

Учрашувда тадбиркорлар темир йўл хизматларидан фойдаланганда зарур бўладиган маълумотлар, маҳсулотни экспорт, импорт қилишда вагон билан таъминлаш, юкларни қисқа вақтда ўз манзилига етказиб бериш борасида ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олдилар.

Шунингдек, ҳамкорликни янада кучайтириш бўйича ўз таклифларини билдирдилар.

## БУНЁДКОРЛИК

## “ХАЙРАТОН – МОЗОРИ ШАРИФ” ТЕМИР ЙЎЛИ МИНТАҚА ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧИГА АЙЛАНДИ

Жорий йилнинг 21 май куни “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти делегациясининг Афғонистоннинг Мозори Шариф шаҳрига ташрифи амалга оширилди.

Ташрифнинг муҳим воқеаларидан бири сифатида “Хайратон – Мозори Шариф” темир йўлида қурилиш ва тиклаш ишлари якунланган Мозори Шариф 5-сонли портининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Маросимда Ўзбекистон ва Афғонистон томонидан расмий вакиллар иштирок этиб, икки давлат ўртасидаги темир йўл соҳасидаги ҳамкорликнинг самараси, амалга оширилаётган лойиҳалар бутун минтақа

транспорт-коммуникация тизимини мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлади.

Тадбир доирасида фойдаланишга топширилган 5-сонли портга биринчи поезд таркиби қабул қилинди ва юк тушириш ишларига расман старт берилди. Ушбу воқеа портнинг амалий фаолияти бошланганини англатиб, келгусида юк ташиш ҳажмини янада ошириш учун муҳим замин яратди.

Ташриф давомида “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси З.Нарзуллаев Афғонистон Бош вазирининг иқтисодий масалалар бўйича муовини Мулла Абдулгани Бародар билан ҳам муокаралар ўтказди. Учрашувда “Хайратон – Мозори Шариф” темир йўл линияси ўтказувчанлик қобилиятини янада ошириш муҳомама қилинди.

“Наибобод” станцияси ҳудудида қўшимча 1650 метрлик шохобча йўли қуриш лойиҳаси муҳомама қилинди. Лойиҳа юк вагонларини қайта ишлаш ҳажмини ошириш, вагонларнинг тўхтаб туриш вақтини қисқартириш ва темир йўл инфратузилмасининг самарадорлигини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Афғонистон Бош вазирининг иқтисодий масалалар бўйича муовини Мулла Абдулгани Бародар мазкур ташаббусларни юқори баҳолаб, Жамоат ишлари вазирлиги мутасаддиларига Ўзбекистон томони билан ҳамкорликда техник ва қурилиш ишларини тезкор ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берди.

Ўз навбатида, Афғонистон жамоат ишлари вазири ҳам юк ташиш ҳажмларини янада кўпайтириш муҳим вазифа эканлигини таъкидлаб, бу бо-

рада қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилаётгани, Афғонистон томони барча келаётган юкларни ўз вақтида қабул қилиш ва тушириш ишларини таъминлашга тайёр эканлигини билдирди.

Бугунги кунда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ҳамда “Соғдиана Транс” масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилаётган ишлар натижасида “Хайратон – Мозори Шариф” темир йўл линияси минтақа иқтисодий тараққиётининг муҳим ҳаракатлантирувчи кучларидан бирига айланиб бормоқда. Янги инфратузилма объектининг ишга туширилиши эса юк ташиш ҳажмини янада кўпайтириш, транспорт хизматлари сифатини ошириш ва Ўзбекистон ҳамда Афғонистон ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

## СЕМИНАР

## ХАВФСИЗ МЕҲНАТ – БАРҚАРОР ФАОЛИЯТ ВА ИНСОН САЛОМАТЛИГИНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТИДИР

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Тошкент вилояти Кенгашининг биринчи ярим йиллик иш режасига мувофиқ, “Ўзбекистон” локомотив депосида семинар ташкил этилди. Тармоқ касаба уюшмаси Республика Кенгаши ҳамда “Тошкент минтақавий темир йўл узели” филиали Ҳудудий касаба уюшма қўмитаси ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбир “Хавфсиз меҳнат асослари” мавзусига бағишланди. Семинарда тармоқ касаба уюшмаси Республика Кенгашига аъзо ташкилотларнинг иш берувчи вакиллари, меҳнат муҳофазаси бўйича масъул ходимлар ва вакиллар ҳамда бошланғич касаба уюшма қўмиталари раислари иштирок этди.



Семинарни “Ўзбекистон” локомотив депоси бошлиғининг таъмирлаш ишлари бўйича ўринбосари М.Зулфикаров ва Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Ж.Валихоновлар очиб берди.

Тадбир давомида меҳнатни муҳофаза қилиш, ходимлар учун хавфсиз ва қулай меҳнат шaroитларини яратиш, ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, касб касалликларни бўйича ҳисоботларни рақамлаштириш масалалари ҳамда бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ишлари атрофида муҳомама қилинди. Шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 24 декабрдаги 819-сонли қарорининг амалиётга жорий этилиши юзасидан тушунтиришлар бериб ўтилди.



Иштирокчилар соҳадаги мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Хавфсиз меҳнат – барқарор фаолият ва инсон саломатлигининг муҳим кафолатидир.

Ф.ҚАЮМОВ,

“Тошкент минтақавий темир йўл узели” филиали Ҳудудий касаба уюшма қўмитаси меҳнат муҳофазаси бўйича бош мутахассиси

## ТАДБИР

## МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

“

Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи” акциядорлик жамияти-да “Меҳнат муҳофазасининг янги босқичи” мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди.

Тадбирда завод раҳбарияти ва ўрта бўғин бошлиқлари ҳамда Тошкент давлат транспорт университети “Техносфера хавфсизлиги” кафедрасининг бир гуруҳ профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

Тошкент давлат транспорт университети таянч-доктoранти Н.Эрхонбоев ўз чиқишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 24 декабрдаги “Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида оид айрим низомларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 819-сон қарори ва ундаги ўзгаришлар ҳамда қарор талаблари асосида ўзи олиб борган

тадқиқот натижасида яратилган “Меҳнат муҳофазаси комплекс тизими”ни завод меҳнатни муҳофаза қилиш тизими ўрнига жорий қилиш таклифини билдирди.

“Меҳнат муҳофазаси комплекс тизими” – бу JAVA дастурлаш тилида ёзилган дастур бўлиб, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида олиб бoриладиган меҳнат муҳофазаси сиёсатига тўла мос келади.

Дастурнинг содда тузилиши корxonанинг барча бўғинларидаги ходимларга ундан қийналмасдан фойдаланиш имконини беради.



Дастурнинг маълумотлар хавфсизлиги ҳукуматнинг Ягона идентификация тизими – One ID (<https://my.gov.uz>) даражасида таъминланган. Фойдаланувчиларни тизимда идентификация қилиш Вазирлар Маҳкамасининг 819-сонли қарори талабларига мувофиқ, айнан ушбу портал орқали амалга оширилади.

“Меҳнат муҳофазаси комплекс тизими”ни ишлатиш қулайлиги, осон

бошқариладиган интерфейси, маълумотлар ишончилиги ҳамда иш жараёнини реал вақт режимида визуал кузатиш имконияти билан ажралиб туради. Шу билан бирга, у ишчилар орасида хавфсизлик маданиятини оширишга хизмат қилиб, соҳанинг энг замонавий талабларига тўлиқ жавоб беради.

Н.ЭРХОНБОЕВ,  
Д.ХАЛМИРЗАЕВА

## КОРХОНАЛАРДА ИЧКИ МЕҲНАТ ТАРТИБ-ҚОИДАЛАРИ – ИНТИЗОМ ВА САМАРАДОРЛИК ГАРОВИДИР

Давом. Бошланғич 1-бетда



Бугунги кунда қонун устуворлиги ва меҳнат муносабатларида адолатни таъминлаш нафақат иш берувчи, балки ҳар бир ишчи учун ҳам муҳимдир. Шу боисдан ички тартиб-қоидалари иш жойидаги ҳуқуқий маданият ва интизомни мустаҳкамлайди. Шундай экан, уни тузиш тартиби ва амал қилиш доираси ҳақида тушунтиришлар бериб ўтамиз.

Барчамизга маълумки, амалдаги Меҳнат кодексининг 13-моддасида “Меҳнат тўғрисидаги қонунчиликнинг ва меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзаро нисбати” тўғрисида тегишли қоида белгиланган бўлиб унда;

“Меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда ходимлар учун меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда белгиланганига нисбатан қўшимча ҳуқуқлар ва кафолатлар назарда тутилиши мумкин.

Меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга ходимнинг ҳолатини меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка нисбатан ёмонлаштирувчи қоидаларни киритишга йўл қўйилмайди” деб қатъий белгилаб қўйилган. Демак, биз бундан шуни тушуниб олишимиз лозимки, корхона, ташкилотларнинг ишчи ва ходимлар билан ўзаро муносабатлари натижаси ва тартибини белгилувчи барча ички ҳужжатлари (ички меҳнат тартиб-қоидалари, жамоа шартномалари, жамоа келишувлари ва Ҳ.К.)га меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка нисбатан ёмонлаштирувчи қоидаларни киритиш ноқонуний ҳисобланиб, келгусида ушбу қоидалар ваколатли орган томонидан бекор қилинишига ва ноқонуний тартибда киритилган қоидалар натижасида қабул қилинган буйруқларни бекор бўлишига олиб келиши мумкин. Аксинча, меҳнат қонунчилигида белгиланганидан кўра ходимнинг ҳолатини ёмонлаштирадиган қоидалар иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси томонидан келишилган ҳолда тасдиқлаб киритилиши мумкин.

296-моддада “Ички меҳнат тартиб-қоидалари” ҳақида сўз юритилиб, унда “Ички меҳнат тартиби қоидалари меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ ишга қабул қилиш ва ходимлар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш тартиби, меҳнат шартномаси тарафларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги, иш режими, дам олиш вақти, ходимларга нисбатан қўлланладиган имтиёзлар ва жазо чоралари, шунингдек ушбу иш берувчида меҳнат муносабатларини тартибга солишга оид бошқа масалаларни тартибга солишчи ички ҳужжатдир.

Ички меҳнат тартиб-қоидалари ушбу Кодекснинг 15-моддасига мувофиқ иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

Ички меҳнат тартиб-қоидалари интизом тўғрисидаги уставлар ва низомларнинг амал қилиши ўзига нисбатан татбиқ этиладиган ходимларга ушбу уставлар ва низомларга зид бўлмаган қисми бўйича қўлланлади” деб кўрсатиб ўтилган.

Бундан кўринадики, Ички меҳнат тартиб-қоидаларини ишлаб чиқиш жараёни белгиланган тартибларга риоя қилган ҳолда муайян босқичларда амалга оширилади:

Дастлаб ички меҳнат тартиб-қоидаларини лойиҳаси тайёрланади, лойиҳа – кадрлар хизмати ёки раҳбарият томонидан тегишли тартибда тузилган комиссия, гуруҳ ёки бўлимлар томонидан амалдаги меҳнат кодекси талаблари асосида ишлаб чиқилади.

Тайёрланган лойиҳа Касаба уюшмаси билан келишиш учун тақдим этилади, лойиҳани тайёрлаш жараёнига касаба уюшмаси вакиллари жалб этиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

Лойиҳа тегишли тартибда корхона ҳуқуқшуноси, касаба уюшмаси ва тегишли бўлимлар билан келишиш учун юборилади, барча ташкилий ишлар тугалланиб бўлгандан сўнг тайёр бўлган лойиҳа касаба уюшмаси ва иш берувчи томонидан тегишли тартибда тасдиқланади, ҳамда иш берувчининг “Ички меҳнат тартиб-қоидаларини тасдиқлаш ва амалиётга жорий этиш тўғрисида”ги буйруғи билан расмий кучга киритилади.

Ички меҳнат тартиб-қоидалари амалдаги қонунчиликка кўра тегишли тартибда корхона, ташкилотнинг барча ходимлари билан таништирилиши ва ходимларнинг танишганлиги тўғрисидаги имзоси олинishi шарт.

Мазкур жараён қоидаларнинг қонуний кучга эга бўлишини таъминлайди ва уларнинг ҳар бир ходим учун мажбурийлигини белгилайди. Агар имкон бўлса ички меҳнат тартиб-қоидалари барча ходимларга кўринадиган жойга, ҳаммага ўқиш имконини берадиган шрифтларда ёзилиб олиб қўйилса, янада мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ички меҳнат тартиб-қоидалари – бу шунчаки қоғоздаги ҳужжат эмас, балки меҳнат муносабатларининг ҳуқуқий асосидир. Корхонада тартиб ва интизом, ходимлар ҳуқуқи ҳимояси, иш самарадорлиги ва хавфсиз меҳнат муҳити айнан ушбу қоидаларга риоя қилиниши билан таъминланади.

Диққат, Кодекснинг 298-моддасида қуйидаги қоида белгилаб қўйилган бўлиб унда “Меҳнат тартибини тартибга солишчи ички ҳужжатлар қоидаларининг ҳақиқий эмаслиги” алоҳида белгилаб қўйилган. Унга кўра “Ходимнинг ҳолатини меҳнат тўғрисидаги қонунчилик, жамоа келишувлари ёки жамоа шартномасига нисбатан ёмонлаштирувчи меҳнат тартибини тартибга солишчи ички ҳужжатлар қоидалари ҳақиқий эмасдир” деб кўрсатиб ўтилган. Бундан кўринадики, корхона ва ташкилотлар ўзларининг ички ҳужжатлари ва буйруқларини расмийлаштириш жараёнида қабул қилинаётган ҳужжат амалдаги меҳнат кодекси ва тегишли қонунларга зид эмаслиги юзасидан ҳушёрроқ бўлиши талаб этади.

Бекзод САТТОРОВ,

“Қўкон минтақавий темир йўл узели” филиали Ходимлар ва ижтимоий масалалар бўлими бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби” магистратура босқичи тингловчиси

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН

# ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР УЧУН САЁХАТ ВА ЗИЁРАТ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаб уюшмаси Республика Кенгаши томонидан сўнгги йилларда амалга оширилаётган тизимли ислохотлар нафақат меҳнат жамоаларидаги ижтимоий ҳимояни мустаҳкамлаш, балки ходимлар ва уларнинг оила аъзоларининг маданий дам олишларини ташкил этиш, уларнинг юртимиз тарихи ва маънавий мероси билан яқиндан танишишларига кенг имкониятлар яратмоқда.



лар садоси остида рақса тушаётган ватандошларимиз ҳамда чет элдан келган сайёҳларни кўриб, барча темирйўлчиларнинг кайфияти янада кўтарилди. Саёҳатчилар шундай жаннатмакон юрда умргузронлик қилаётганларига тақдор-тақдор шукроналар қилишди.

Кейинги манзил Минораи Калон, Масжиди Калон, Мир Араб тарихий обидалари бўлди. Мир Араб мадрасаси ўзининг салобати, мукаммал меъморий ечим ва тарихий муҳити билан сайёҳларни гўё ўтмиш бағрига чорлаётгандек таассурот қолдирди. Унинг баланд пештоқлари ва кенг ҳовлисида туриб, ҳар бир иштирокчи бу ерда неча асрлар олдин илм излаб келган талабалар ҳаётини хаёлан кўз олдида келтирди. Қуёш нури жилосида Минораи Калон маҳобати ва гўзаллиги доимо маҳаллий ва хорижий сайёҳларда қизиқиш уйғотиб келган. Айниқса, илк бор Бухорои шарифга келганлар учун бу манзаралар оддий саёҳат эмас, балки тарих билан юзма-юз учрашувдек туюлди. Уларнинг кўзларида ҳайрат, юракларида эса ғурур ва қувонч уйғонгани аққол сезилиб турарди.

Бухоро амирининг қишки саройи ҳисобланган қадимий ва мухташам Арк қалъаси зиёратчиларда ўзгача таассурот қолдирган масканлардан бири бўлди. Бухоро Арки – бу шунчаки тарихий иншоот эмас, балки бир вақтлар Бухоро амирлигининг юраги бўлган қароргоҳ сифатида сайёҳларни ўзига жалб қилиб келмоқда.

Саёҳатнинг иккинчи куни Ғиждувон туманида барпо этилган "Oltinsoy eko turizm" дам олиш масканига йўл олдиқ. Ушбу маскан фаолият кўрсата бошлаганига кўп бўлмаса-да, унда дам олувчилар учун сузиш ҳавзаси, туя ва отларда сайр қилиш, балиқ ови, шунингдек, бильярд, бадминтон ва стол тенниси каби ўйинлар ташкил қилинган. Шунингдек, санъаткорлар ижросида концерт дастури намойиш этилди.

Шу тариқа, "Temir yo'l kasaba servis" масъулияти чекланган жамияти билан "Термиз минтақавий темир йўл узели" филиали Худудий касаб уюшма қўмитаси ҳамкорлигида Бухорои шарифнинг бетақдор ва сеҳрли муҳитида ўтган мазкур саёҳат ҳар бир иштирокчининг қалбиди унутилмас хотиралар қолдирди.

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

## “БУХОРО” ТЕМИР ЙЎЛ ШИФОХОНАСИДАГИ ИСЛОХОТЛАР

“Бухоро” темир йўл шифохонаси раҳбариятининг ташаббуси билан муассасада тизимли такомиллаштириш ва соҳадаги илғор янгиликларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

“Инсон қадри учун” эзгу ғояси асосида нафақат темирйўлчиларга, балки барча мурожаат қилувчиларга ҳамда бу ерда меҳнат қилаётган 208 нафар ходимга замонавий шарт-шароитлар яратилмоқда. Хусусан, эски ошхона ўрнида янги ва замонавий бино қад ростлади. Беморлар учун барча қулайликларга эга 6 ўринли люкс палаталар бунёд этилди. Жарроҳлик бўлими ва лабораторияларнинг иссиқлик тизими капитал таъмирланиб, эски эшик-роллар алмаштирилди. Поликлиникада бир вақтнинг ўзида барча турдаги инъекциялар бажариладиган янги муолажа хонаси очилди. Шифохона раҳбари томонидан барча бўлимларда режа-

ли асосда жорий ва капитал таъмирлаш ишлари мунтазам йўлга қўйилган.

Ташхислаш ва даволаш сифатини ошириш мақсадида муассаса сўнгги рўсумдаги тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Жамоа ихтиёрига янги рақамли рентген, портатив УТТ аппарати, наркоз-нафас бериш ускунаси, озонатор ва замонавий микроскоп топширилди. Шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштириш ва инновацияларни жорий этиш доирасида шифохонада DMED электрон ахборот тизими йўлга қўйилди. Мазкур мақсадда ҳар бир шифокор хонаси жами 28 та янги компьютер жамланмаси билан жиҳозланди.

Муассаса ҳудудини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бу ерга юзлаб арчалар, ранг-баранг гуллар ҳамда кўплаб манзарали ва мевали дарахт кўчатлари экилиб, гўзал яшил ҳудуд барпо этилди. Беморларнинг тезроқ соғайишида шифохонадаги кўнгилли муҳит, шифокорларнинг юқори малакаси ва жамоанинг муомала маданияти асосий омил бўлмоқда. Узоқни кўра биладиган раҳбар Ф.Саломов бошқарувидаги ушбу иноқ жамоа бугун инновацияларга очкилик ва стратегик мақсадлар сари юқори самарадорлик билан ҳаракат қилишнинг ёрқин намунасини кўрсатмоқда.



### БРИТАНСКИЙ МИНТРАНС НАМЕРЕН ПЕРЕСМОТРЕТЬ СМЕТУ И ГРАФИК СТРОИТЕЛЬСТВА ВСМ HS2

Министерство транспорта Великобритании объявило о намерении усилить контроль за проектом строительства высокоскоростной магистрали HS2 (Лондон – Бирмингем), чтобы снизить расходы и ускорить ее ввод в эксплуатацию.

Стоимость проекта значительно выросла и сейчас прогнозируется правительством в диапазоне от 87,7 до 102,7 млрд ф. ст. Две трети прироста затрат приходятся на работы, которые не были учтены в исходном проекте, и еще треть обусловлена ростом цен вследствие инфляции. Минтранс привлек команду экспертов, участвовавших в сооружении линии Elizabeth в Лондоне, и поручил им изучить возможности сокращения затрат и сроков реализации проекта HS2.



Правительство страны также подтвердило снижение максимально допустимой скорости на ВСМ с 360 до 320 км/ч, объяснив свое решение тем, что в Европе и Японии принято именно такое предельное значение, а в Великобритании нет путевой инфраструктуры для испытания поездов, рассчитанных на эксплуатацию со скоростью до 360 км/ч. Адаптация проекта под более низкую скорость позволит снизить его стоимость на величину до 2,5 млрд ф. ст. и пустить линию как минимум на год раньше. С предложением о пересмотре проектных решений HS2 в марте 2026 г. выступила министр транспорта Великобритании Хейди Александер (Heidi Alexander).

Открыть движение по ВСМ HS2 между станциями Олд-Оук-Коммон на западе Лондона и Керзон-стрит в Бирмингеме планируется в период между 2036 и 2039 гг., а продлить эту линию к станции Юстон в центре Лондона по тоннельному участку, обеспечив связь HS2 с магистралью Западного побережья – в период между 2040 и 2043 гг.

По материалам интернета

ЭЪЛОН

### ҲУРМАТЛИ АКЦИЯДОРЛАР!

“O'ZVAGONTA'MIR” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – жамият) 2026 йилнинг 26 июнь куни Тошкент шаҳри, Миробод тумани, А.Темур шоҳ кўчаси 4-ўйда жойлашган Жамият Марказий аппарати биносида жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қилади.

Акциядорларни хабардор қилиш учун реестр шакллантирилган сана – 04.06.2026й.

Йиғилишда иштирок этиш учун реестр шакллантирилган сана – 22.06.2026й.

Умумий йиғилиш ўтказиш вақти: 16:00  
Акциядорларни рўйхатга олиш 15:00 дан бошланади.

#### Йиғилиш кун тартиби

- Санок комиссияси таркибининг сони ва номзодларини тасдиқлаш;

- Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш регламентини тасдиқлаш;

- Жамият бош директорининг жамият 2025 йил якуни бўйича молиявий-ҳўжалик фаолияти якунлари ва бизнес режасининг бажарилиши ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида;

- Жамиятнинг 2025 йил якунлари бўйича йиллик бухгалтерия балансини тасдиқлаш тўғрисида;

- Жамиятнинг 2025 йил учун молиявий-ҳўжалик фаолиятини аудиторлик текшируви якунлари бўйича ташқи аудиторнинг хулосасини тасдиқлаш тўғрисида;

- Жамият Тафтиш комиссиясининг 2025 йил якунлари бўйича хулосасини тасдиқлаш тўғрисида;

- Жамият Кузатув кенгашининг 2025 йилда амалга оширилган ишлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида;

- Жамиятнинг 2026 йил якунлари бўйича фаолиятини ташқи аудитдан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш ва унинг хизматларига тўланадиган тўловнинг максимал миқдорини тасдиқлаш тўғрисида;

- Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатларини акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига қадар узайтириш тўғрисида;

- Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларининг ваколатларини акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига қадар узайтириш тўғрисида;

- Акциядорлик жамиятининг 2025 йил якунлари бўйича соф фойдасини тақсимлаш тўғрисида;

- Яқкабошчилик асосидаги ижро этувчи органи – бош директори билан тузилган меҳнат шартномасини акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига узайтириш тўғрисида;

- Жамият ажро органи фаолиятининг 2025 йилдаги ишлари фаолияти самарадорлик кўрсаткичларининг бажарилишини тасдиқлаш тўғрисида;

- Молиявий-ҳўжалик фаолиятининг 2025 йил якунлари юзасидан жамиятда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича хулосасини тасдиқлаш тўғрисида;

- Акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига бўлган даврда жорий ҳўжалик фаолиятини амалга ошириш жараёнида аффилиланган шахслар билан тузилиши мумкин бўлган шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида;

- Жамиятнинг янги таҳрирдаги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш учун акциядорлардан шахсни тасдиқловчи ҳужжат, акциядорлар вакилларидан эса белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома талаб этилади.

Умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар бўйича қўшимча маълумотлар билан “O'zvagonta'mir” АЖ (манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, А.Темур шоҳ кўчаси 4-ўй)да шанба ва якшанба кунларидан ташқари ҳар куни соат 9:00 дан 18:00 гача танишиш мумкин.

Телефон: (95) 324-98-03  
Электрон почта манзили: uzvagontamir@railway.uz;

веб-сайт: www.uzvagontamir.uz

“O'zvagonta'mir” АЖ  
Кузатув кенгаши

СПОРТ

Ўзбекистон миллий терма жамоасининг ЖЧ-2026 учун 26 нафар футболчидан иборат якуний таркиби маълум бўлди. Мураббийлар штаби якуний рўйхатга Шерзод Темиров, Умарали Раҳмоналиев, Жасур Жалолитдинов ва Русланбек Жияновни киритмаган.

**ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИНИНГ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА ИШТИРОК ЭТАДИГАН ТАРКИБИ МАЪЛУМ БЎЛДИ**



Фабио Каннаваро якуний рўйхатга 3 нафар дарвозабон, 10 нафар ҳимоячи, 10 нафар ярим ҳимоячи ва 3 нафар ҳужумчини киритди.

Ўзбекистон миллий терма жамоасининг Жаҳон чемпионати учун таркиби:

Дарвозабонлар: Ўткир Юсупов, Абдувоҳид Неъматов, Ботирали Эргашев.

Ҳимоячилар: Абдуқодир Ҳусанов, Ҳожиакбар Алижонов, Фаррух Сайфиев, Рустам Ашурматов, Умар Эшмуродов, Шерзод Насруллаев, Абдулла Абдуллаев, Авазбек Ўлмасалиев, Жаҳонгир Ҳусанов, Бехруз Каримов.

Ярим ҳимоячилар: Акмал Мозговой, Отабек Шукуров, Жамшид Искандеров, Одил Ҳамробеков, Жалолитдин Машарипов, Остон Ҳусанов, Достонбек Ҳамдамов, Азиз Ҳаниев, Аббосбек Фаёуллоев, Шерзод Эсанов.

Ҳужумчилар: Элдор Шомуродов, Игорь Сергеев, Азизбек Омонов.

Маълумот учун, Ўзбекистон терма жамоаси Жаҳон чемпионатидаги илк ўйинини Мексикада ўтказди, қолган икки учрашув эса АҚШдаги стадионларда бўлиб ўтади. "Оқ бўрилар" 18 июнь кuni биринчи турда Колумбияга қарши майдонга тушади. Ушбу учрашувга Мексика пойтахтидаги "Ацтека" стадиони мезбонлик қилади.

Жамоа иккинчи тур доирасида 23 июнь кuni Криштиану Роналду бошчилигидаги Португалия терма жамоаси билан ўйнайди. Мазкур беллашув АҚШдаги "Хьюстон" стадионида ўтказилиши белгиланган. Гурӯҳдаги сўнгги учрашув 28 июнь кuni "Атланта" стадионида Конго Демократик Республикасига қарши бўлиб ўтади.

2 июнь кuni Ўзбекистон миллий терма жамоаси жаҳон чемпионатида тайёргарлик кўриш жараёнида Канада терма жамоасига қарши ўртоқлик учрашувида иштирок этиб, 0-2 ҳисобида мағлуб бўлди.

ФИФА рейтингда 30-ўринда турган Канада 50-поғонадаги Ўзбекистонни қабул қилди, ўйин давомида анча устун кўринди ва муносиб равишда ғалаба қозонди. Канадаликлар танаффусдан кейин икки марта гол урдилар, ўзбекистонликлар эса жавоб қайтара олмадилар.

Баҳсдан сўнг "оқ бўрилар" бош мураббийи Фабио Каннаваро ўз фикрлари билан ўртоқлашди.

"Ҳар қандай учрашуларда албатта хатолар бўлади. Хатоларни 10 кундан кейинги ўйинларда эмас, айнан мана шундай ўртоқлик ўйинларида қилган яхшироқ. Футбол шундай. Биринчи бўлимда жамоамиз ихчам ва агрессив ўйнади. Иккинчи бўлимда эса тўп назоратини кўпроқ қўлга олишни хоҳладик. Аммо интенсивликни йўқотдик ва бир нечта хатоларга йўл қўйдик. Бундай ўйинларда хато қилсангиз, бунинг учун жазоланасиз.

Португалия, Колумбия ва Конго жуда кучли жамоалар. Улардан иккитаси дунёнинг энг кучли терма жамоалари қаторига киради. Улар билан ўйнаш жуда қийин бўлишини биламиз. Аммо футболчиларимга ҳам айтдим: бизда йўқотадиган ҳеч нарса йўқ. Бу мамлакатимиз тарихидаги илк Жаҳон чемпионати. Шунинг учун уларга фақат битта нарсани айтаман – бундан завқланинг. Жаҳон чемпионатида ўйнаш имконияти ҳар доим ҳам насиб этавермайди", – деди мураббий.

Энди Фабио Каннаваро бошчилигидаги жамоа навбатдаги назорат учрашувини Нидерландия терма жамоасига қарши ўтказди.



**МУАССИСЛАР:**

"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти, Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши



ТИББИЁТ ИСЛОҲОТИ

**"ТЕМИР ЙЎЛ ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАР" МЧЖ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТУРКИЯГА ХИЗМАТ САФАРИ АМАЛГА ОШИРИЛДИ**

"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг 2026 йил 12 майдаги НОҚ-86-сонли буйруғига асосан 2026 йил 17-23 май кунлари "Темир йўл ижтимоий хизматлар" масъулияти чекланган жамияти раҳбарияти ва мутахассислари Туркия Республикасининг "Medicana" ҳамда "Liv Hospital" тиббиёт муассасаларига хизмат сафарига юборилди.

Сафар давомида делегация томонидан клиникаларнинг фаолияти, беморларни қабул қилиш, диагностика, даволаш ва реабилитация жараёнлари ҳамда замонавий тиббий технологиялардан фойдаланиш амалиётлари ўрганилди.

Шунингдек, педиатрия, жароҳлик, онкология, физиотерапия ва роботлаштирилган реабилитация йўналишлари бўйича тажрибалар билан танишилди ҳамда халқаро стандартлар-



га мос хизмат кўрсатиш тизими кўриб чиқилди. Расмий учрашувлар даво-

мида икки томонлама ҳамкорлик, мутахассислар малакасини ошириш, тажриба алмашиш, телемедицина ва қўшма лойиҳаларни йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилиниб, келгусида ҳамкорлиқни кенгайтириш бўйича меморандумлар имзоланди. Ўрганилган илғор тажрибалар "Темир йўл ижтимоий хизматлар" масъулияти чекланган жамияти тизимида тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини оширишга хизмат қилади.

**БУ ҚИЗИҚ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА 4000 ЙИЛ АВВАЛ БОШ СУЯГИДА ОПЕРАЦИЯ ҚИЛИНГАН БОЛА ТОПИЛДИ**

Сурхондарё вилоятидаги қадимий Жарқўтон манзилгоҳида олиб борилган қазишмалар давомида ноёб археологик топилма аниқланди. Италиялик ва ўзбекистонлик олимлар тахминан 4000 йил аввал яшаган болага тегишли бош суягида жароҳлик амалиёти изларини топди.

Италия Ташқи ишлар вазирлиги сайтида эълон қилинган маълумотга кўра, қабр ичидан икки нафар болага тегишли қолдиқлар аниқланган. Улардан бирининг бош суягида трепанация, яъни бош суягида махсус тешик очилган ҳолатда қадимий жароҳлик амалиёти излари қайд этилган.

Мутахассисларнинг фикрича, бу Марказий Осиё ҳудудида ҳозиргача ҳужжатлаштирилган энг қадимги трепанация ҳолати бўлиши мумкин. Топилма Саленто университети профессо-



ри Энрико Аскалоне ва Термиз давлат университети профессори Алишер Шайдуллаев бошчилигидаги Италия – Ўзбекистон археологик экспедицияси томонидан ўрганилган.

Қабрда тахминан уч ва беш ёшли икки бола бирга дафн этилгани аниқланган. Олимлар қабрнинг ёши қарийб 4000 йил

эканини таъкидлашмоқда. Тадқиқотчилар бу операция нима мақсадда амалга оширилганини ҳозирча аниқ айта олмапти. У даволаш, оғриқни камайтириш ёки маросимий мақсадларда бажарилган бўлиши мумкин. Кейинги илмий тадқиқотлар ушбу сирга ойдинлик киритиши кутилмоқда.


**ЕР АЙЛАНИШИ "МИСЛИ КЎРИЛМАГАН ДАРАЖАДА" СЕКИНЛАШДИ**

Иқлим ўзгариши оқибатида кутб музликларининг эриши сабабли Ернинг ўз ўқи атрофида айланиши секинлашмоқда. Бу кун давомийлигини ҳар асрда 1,33 миллисонияга узайтирмоқда, бу эса сўнгги 3,6 миллион йил ичидаги "мисли кўрилмаган" кўрсаткичдир. Бу ҳақда Вена университети ва Цюрих технология институти олимлари олиб борган тадқиқотга таяниб, BBC Science Focus хабар берди.

"Ернинг айланиш энергиясидаги ўзгариш магнитудаси 9,0 балл бўлган зилзилага тенгдир", дейди тадқиқотнинг бош муаллифи Мустафо Киани Шахванди.

Тадқиқот ҳаммуаллифи Бенедикт Сояннинг аниқлик киритишича, бунинг учун тахминан 1000 гигаатонна массанинг қайта тақсимланиши талаб этилади, бу Нью-Йорк тепасида бўйи 10 километрлик муз кубидан бўлиши билан баробардир.

"Инсоннинг Ер тизимига кўр-



сатаятган таъсири шу қадар чуқурлашдики, биз энди Ер айланишининг асл табиатини ўзгартирмоқдамиз", дейди Бенедикт Соя.

Глобал ишнинг сайёра айланишига кўрсатаятган оқибатларини олимлар "омилларнинг идеал тарзда мос келиши" деб атаган: нозик муз қатламлари ва карбонат ангидрид (CO<sub>2</sub>) газининг табиий равишда кўпайиши бундан қарийб 2 миллион йил аввал ҳам кенг кўламли муз эришига сабаб бўлган. Бироқ инсоният фаолияти атиги бир аср ичида ўша даврдаги табиий куч билан тенглашиб олган. Кўрсаткичлар-

га кўра, аср якунига бориб иқлим ўзгариши сутка узайишининг бош омилига айланади ва бу борада Ойнинг гравитацион таъсири ҳам орта қолдиради. Бундай ўзгаришлар GPS тизимларининг ўта аниқлиқдаги синхронизацияси учун хавфли ҳисобланади.

Аввалги тадқиқот маълумотларига кўра, музликларнинг эриши аллақачон сайёра шаклини ўзгартириб, уни кутблардан янада яссироқ ҳолатга келтирган ва асосий массани кутблардан экватор томонга сурган. Шу билан бирга, 2024 йилдаёқ олимлар ушбу жараён аср охирига бориб кун давомийлигининг 2,62 миллисонияга узайишига олиб келишини аниқлашган. Жаҳон метеорология ташкилотининг яқинда эълон қилинган ҳисоботида кўра, 2025 йилда Ернинг энергетик дисбаланси (мувозанатсизлиги) кушатувлар тарихидаги энг юқори рекорд даражага етган.

ДОНОЛАР ХАЗИНАСИДАН

ҲАР КИМ ЭККАНИНИ ЎРАДИ. ИНСОН ЯХШИЛИК ҚИЛСА ҲАМ, ЁМОНЛИК ҚИЛСА ҲАМ ЎЗИ УЧУН ҚИЛГАН БЎЛАДИ.

ТЕМИРЙЎЛЧИ ИЛҲОМИ

**ОНА**

*Болам деб юрибсиз, зорланиб яна,  
Бир бор қилмадингиз, миннату таъна.  
Эй она, кўнглингиз ранжитдим яна,  
Қора сочингизни оқ қилдим, она.*

*Онам учун дея рўмол олдимми,  
Яшангизга дея уйлар солдимми?  
Наҳот, ўзимдан ҳеч ортмай қолдимми,  
Қора сочингизни оқ қилдим, она.*

*Болам есин дея, тинмадингиз ҳеч,  
Меҳнатдан қаварди кўли эрта-кеч.  
Ажнлар қоплади, нур юзингизни,  
Сочингизни оқ қилдим, она.*

*Мендан рози бўлинг, кечиринг, она  
Бўлмадим бир бор парвона.  
Сизсиз мен кимман, дарвеш девона,  
Қора сочингизни оқ қилдим, она.*

**ЭНДИ ҚАЙТМА**

*Етмадими шунча озоринг,  
Мендан нени истайсан яна?  
Мен қолишинг хоҳлаганимда,  
Сен кетишинг қилганинг таъна.*

*Ўшал кунни унутдингми ё?  
Кўзларимдан оққанида ёш,  
Айриламиз деганинг мағрур,  
Унут дединг, бўлиб бағритош.*

*Яна нима истайсан мендан?  
Баҳорларим кузга айланган.  
Қийноқларинг ўтганку жондан,  
Бу юрагим музга айланган.*

*Энди қайтма, кела кўрма ҳеч,  
Сенсизликка кўниб бўлганман.  
Ўйин қилган бу муҳаббатинг,  
Юрагимга кўмиб бўлганман.*

**АСЛИ НЕ КЕРАК?**

*Сўзи гўзал бўлса, ҳаддин билмас  
Юзида чирою, ҳаё бўлмас  
Либосин кийган ул, ифбат йиғласа  
Ул гўзалга асли, дунё не керак?*

*Назарин қадаса, ҳар киши томон  
Садоқат нелигин, билмасдан ҳайрон  
Мол-у дунё фикри бўлса гар, гирён.  
Ул ҳусни жамолга, асли не керак?*

*Турфа фикр қилса, илм билмас,  
Амали рийда, тақво бўлмас.  
Луқмаси ҳаромда, ҳалол сўзласа  
Ул чироийга асли, дунё не керак?*

**Фарангиз СУЛТОНОВА,**  
Ховос электр таъминоти монтери

**Тахрир кенгаши:**

Раматов А.Ж.  
Нарзуллаев З.Ф.  
Сабиров Қ.С.  
Юсупов Ж.З.  
Балтабаев А.А.

**Бош муҳаррир**  
Рустам ҲАЙДАРОВ

**Мусаҳҳиҳ** – Умида ТҮЙЧИБОВЕВА  
**Саҳифаловчи** – Гулзода БОЛТАЕВА

**Фотомухбир** – Ёқубжон МУРОТОВ

Манзилимиз: 100047, Тошкент ш., Амир Темур шоҳ кўчаси, 4-уй.  
Бош муҳаррир: (71) 236-49-97 (4-49-97)  
Қабулхона: (71) 236-48-92  
Мухбирлар: (71) 236-48-71

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0139-рақам билан 2007 йил 11 январда рўйхатга олинган.  
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди  
ISSN: 2181-6158

**Буюртма Г-634** Босишга топширилди: 19:30 1 2 3 4 5 6